


«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q va
hech qachon bo‘lmagay». *Imom Buxoriy*



IMOM BUXTORIY SABOQLARI

№ 4
2020

ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



Ushbu sonda:

SAMARQAND
MADRASALARI VA
ULARDAGI
KUTUBXONALAR

THE SYSTEM OF FEES
FOR KHARAJ AND ZAKAT
IN THE BUKHARA
EMIRATE ON THE EVE
OF THE INVASION OF
THE RUSSIAN EMPIRE

ISLAM DININING
KOREYADA TARQALI-
SHIGA DOIR TARIXIY VA
IJTIMOIY ASOSLAR

DINIY-BADIY
ASARLARNING
JANR XUSUSIYATLARI

ФОРМИРОВАНИЕ
ОСНОВ ТОЛЕРАНТНОГО
СОЗНАНИЯ
МОЛОДЁЖИ В
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ
ПРОЦЕССЕ

20
BIZ
2000 – 2020
YOSH DAMIZ!

Уибү сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Самарқанд мадрасалари ва улардаги кутубхоналар.....3

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Санобар ТҮРАЕВА. Инсон мағнавиятигининг шаклланишида шарқ мутафаккирларининг буюк хизматлари	5
Ислом УБАЙДУЛЛАЕВ. Али ал-Қорийнинг ҳаёти ва илмий мероси.....	6
Ихтиёр ҚУШШАҚОВ. Абдулқодир Жийлоний: ҳаёти, фаолияти, шогирдлари, авлодлари	8
Мунира ХЎЖАҚУЛОВА. Абу Наср Форобий илмий меросида инсоннинг ижтимоий табиати.....	9
Иброҳим УСМОНОВ. Тасаввуфда увайсийлик йўли.....	11
Достон МУСТАФОЕВ. Абу Ҳафс Насафийнинг “Тилбату-т-талаба” ва Носиридин Мутарризийнинг “ал-Мугриб фи тартиби-л-мугриб” асарларининг қиёсий таҳлили (“Тухур” сўзи мисолида).....	14
Жаҳонгир ТОҲИРОВ. Шарқ алломалари илмлар таснифи ҳақида.....	15
<i>Nizomiddin IBROHIMOV. Mahtud Zamaxshariyning “Atvoqu-z-zahab” asaridagi ayrim hikmatlarning tahlili.....</i>	<i>17</i>
Бекзод МУХТАРОВ. Носиридин Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеб” асари ва унинг ўзига хос жиҳатлари...19	

НОДИР МАНБАЛАР

Абдуманнон ИСМАТУЛЛАЕВ. ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондидаги тажвид илмига оид манбалар.....	21
---	----

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ. Мўминжон Ҳаким хотираларида Абдурозик Марғиноний таърифи.....	23
Комилжон РАҲИМОВ. Ҳожагон-Нақшбандия тарикатининг вужудга келиши, ёйилиши ва хорижий ўлкаларга таракалиши.....	25
Гулдана ТАНИЕВА. Тасаввуфда ҳаж масаласи: таълимот ва сафар.....	27
Солијон ИБРАГИМОВ. Тасаввуфда Баҳоуддин Нақшбандининг ислоҳотчилик фаолияти.....	30
Тўлқин АХМЕДОВ. Зарафишон музофоти бошлиги маҳкамаси иш юритиши ҳужҷатлари вақф мулклари бўйича муҳим тарихий манба сифатида	32
<i>Avazbek GANIYEV. The system of fees for Kharaj and Zakat in the Bukhara Emirate on the eve of the invasion of the Russian Empire.....</i>	<i>34</i>
Набијон ҲАҚҚУЛОВ. Самарқанд жадидларининг хорижий тилларни ўрганишининг аҳамияти тўғрисидаги қарашлари.....	36
Собиржон БОЛТАБОЕВ. Вақф мулкларининг тарихимизда тутган ўрни	38
Санжарбек ДЖУМАНОВ. Мустақиллик ишларида Ўзбекистон тиббиётida хусусий сектор фаолияти тарихи..	40
Манзила ҚУРБОНОВА, Аҳтам АХМЕДОВ. Қийим-кечакларда этиграфик битиклар таҳлили.....	42
Ўтқир МАТТИЕВ. Фарғона водийси этник афғонлари тарихига доир (XIX аср охири ва XX аср бошлари)	44
Дилшод ХАЙДАРОВ. Гозгон шаҳри: генезиси ва замонавий ҳаёти.....	45
Ғайбулла БОБОЁРОВ. Коғирқалъадан топилган “хотун” унвонли мұхр.....	47
Жалолиддин БЎРИЕВ. Амир Темурга қарши тузилган бир имтифоқ ҳақида.....	49
Абдували АСЛАНОВ, Шербек ОМАНОВ. Афросиёбнинг қўлда ясалган безакли сопол идишилари тарихидан....	52

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Одилжон ЭРНАЗАРОВ. Ислом динининг Кореяда тарқалишига доир тарихий ва ижтимоий асослар.....	54
Зилола ХАЛИЛОВА. Ўзбекистонда дин ва илм-матрифат: аёл-қизлар ислом ўрта маҳсус билим юртлари.....	56
Сожида ЯХЯЕВА. Ислом дини манбалари орқали ёшлар эстетик маданиятини ривожлантириши масалалари....	58
Бобомурот ТОШБОЕВ. Диний манбаларда мағнавий-ахлоқий ва миллий масалаларининг ёритилиши (зардуштийлик ва ислом динлари мисолида).....	60
Нилуфар МАЛЛАЕВА. Фуқаролар сиёсий маданиятга таъсир этишида тарихий мағкуралар (ислом мағкурасининг тажрибаси).....	61
Исломиддин ҲАЙДАРОВ. Курбонда масжид ҳақидаги оятлар таҳлили.....	63
Ирода Даурбекова. Оиласнинг жамият ва ислом динида тутган ўрни.....	66
Нодира СУЛТОНОВА. Буюк мутафаккирларимизнинг оила ва никоҳ қадриялари ҳақидаги қарашлари.....	68
Лола АЗИМОВА. Диний-бадиий асаrlарининг жанр хусусиятлари.....	69
М. РАШИДОВА. Ҳадисларда одоб-ахлоқ масалалари.....	72
Дониёр ҒАФУРОВ. Тасаввуф таълимотида никоҳ масаласи.....	74

МАЊНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Комилжон ШЕРМУХАМЕДОВ. Экстремизм ва терроризмга қарши курашда Миср ва Ўзбекистон тажрибаси: қиёсий таҳлил.....76

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Отабек ФАЙБУЛЛАЕВ. Очиқ ахборот тизимларида шахс эстетик маданиятини ривожлантириша миллий қадриятларнинг ўрни.....79
Зуҳра БОЗОРБОЕВА. Ёшлар дунёқарашини камол топтиришида фалсафанинг ўрни.....81
Баходир ХОЛМАТОВ, Гулноза АХМАДЖОНОВА. Дипломатия – ташки сиёсатининг асосий мезони сифатида..83
Санжар КАРИМОВ. Ҳаётий мақсадлар – ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаш омили.....86
Гулзодаҳон МАЛЛАЕВА. Сиёсий маданият, мағкура ва мағкуравий категориялар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг назарий жиҳатлари.....88
Ш.А. МАҲМУДОВ. Ижтимоий тармоқлар глобал сиёсий технология сифатида.....90
Ғулом МИРЗАЕВ. Ўзбекистон ва Қозогистон Республикалари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик: ютуқлар ва муаммолар.....92
Бахтиёр ОМОНОВ. Сиёсий модернизацияда юзага келадиган инқирозларнинг ечимлари.....94
Чарос ТЕМИРОВА. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятини янада тақомиллаштириши – давр талаби....96
Мансур ШЕРОВ. Ҳарбий хизматчиларда креатив тафаккур маданиятини шакллантириша таълим модернизациясининг ўрни.....99
Дилмурод ЭРНАЗАРОВ. Глобал ривожланиши жараёнларда “soft power” сиёсатининг Ўзбекистонга таъсири...101
Iqbol YUSUPOVA. Ozbekistonda milliy madaniyatni targ'ib qilish muammolari.....103
Ma'ruf SHEROV, Zafar XUJANOV. O'zbekistonda aholi farovonligini ta'minlash – harakatlar strategiyasining ustuvor maqsadi sifatida.....105
Санжар МАМАТКУЛОВ. Шахс ҳаётий позициясининг мазмун-моҳияти.....108
Асроржон САТТОРОВ. Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Иттифоқига атзо бўлишининг айрим жиҳатлари ва Марказий Осиё минтақавий сиёсатига таъсири.....110

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Гулчехра ФАФФАРОВА. Когнитив жараёнларда аутопоэзис концепцияси.....113
Ahunjon ASTANOV. Jan Pol Sartrning ijodida falsafiy g'oyalarning shakllanishi.....115
Marhabo ALLAYAROVA. Ma'naviy taraqqiyotda marginal ma'naviyat muammolari.....117
Гулбаҳор ЖАЛАЛОВА. Шарқ алломаларининг илмий меросида билимлар интеграцияси.....120
Хуришид САМАТОВ. Ҳожа Исҳоқи Вали таълимотида ҳалқ билан мулоқот қилиши ғоясининг ижтимоий ва масаввуфий асослари.....121
Ақмалжон КОМИЛОВ. Соғлом турмуш тарзи тушунчаси, унинг ижтимоий-фалсафий асослари.....124
Гули МАҲМУДОВА. Зардушт шахси: асомир ёки воқелик.....125
Марtaba МЕЛИКОВА. Алишер Навоийнинг асарларида ижтимоий-фалсафий ғоялар.....128
Маҳбуба ЭРГАШЕВА. “Авесто”да билиш мавзусининг ифодаланиши.....130
Ботир УЗОҚОВ. Инсонпарварлик (гуманизм) – “Мавлавия” тарқатининг туб моҳияти сифатида.....132
Nargiza AVULOVA. Ranglarning falsafiy mohiyati va ularning badiiy obraz yaratish xususiyatlari.....134
Махсуда НОРМАМАТОВА. Виртуаллик, социум ва билиш.....137
Муҳиддинжон ТЕШАБОЕВ. Ислом маданияти ва ахлоқий танлов.....139
Бахтиёр ТУРСУНОВ. Алишер Навоийнинг таълим ва тарбияга доир қарашлари (фалсафий-синергетик таҳлил)..141

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Зулхумор АШУРОВА. Ҳозирги ўзбек болалар шеъриятида ўхшатишларнинг услубий хусусияти.....143
M.N. G'OSSIDINOV. Is'hoqhon Ibrat ilmiy, ma'naviy merosining yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishdagi o'rni.....144
Абдунаби ТУРАЕВ. Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти ва интеллектуал маданият.....146
Феруза МАРДОНОВА. Формирование основ толерантного сознания молодёжи в образовательном процессе..148

БИР ҲАДИС ШАРХИ

Ҳадя беришни яқин қўшинидан бошлиғ!.....150

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» / Lex.uz
7. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 238-йиғма жилд, 165-варақ.
 8. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 240 йиғма жилд, 25-варақ.
 9. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 167-йиғма жилд, 61-варақ.
 10. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 238-йиғма жилд, 166-варақ.
 11. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 240-йиғма жилд, 26-27-варақлар.
 12. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 314-йиғма жилд, 149-варақ.
 13. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 240-йиғма жилд, 76-варақ.
 14. ЎРИТТХ МДА Фонд-М-372, 1-рўйхат, 405-йиғма жилд, 96-97 вараклар.

КИЙИМ-КЕЧАКЛАРДА ЭПИГРАФИК БИТИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Манзила ҚУРБОНОВА,
Бухоро давлатуниверситети доценти,
тарих фанлари номзоди
Аҳтам АХМЕДОВ,
БуҳДУ 1-босқич магистранти

Мақолада моддий маданиятнинг муҳим компоненти ҳисобланган эркаклар ва аёллар либосларида битилган ёзувлар этнографик ва эпиграфик нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: локал этнохудудий маданиятлар, эпиграфик ёзув, битик, анор гули, ояти карималар, ҳаттотлик.

Хозирги кунда жаҳон ҳалқлари интеграциялашви, глобаллашув жараёнлари жадал кечайтган бир шароитда этник ва маданий ўзлиқни англаш, локал этнохудудий маданиятлар ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш, уларни илмий асосда тадқик қилиш долзарблиги муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда фанлараро интеграция, яъни ўзаро алоқадорлик жараённада турли фан йўналишлари доирасида умумий қарашлар ва ёндашувлар шаклланиб бормоқда. Ушбу ҳолат этнология ва тилшунослик соҳасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Нақшли ёзувлар тараққиёти босқичларига оид турли ёдгорликлардаги эпиграфик битиклар эпиграфиканинг йирик билимдомон профессор А.А. Семёновз[7: 7-33] ва Н.А. Белинская[2: 241-257]лар томонидан маълум даражада бир-бирига қиёслаб тадқиқ этилган. Бироқ, бадиий эпиграфиканинг турли шакллари ареали бир хил эмаслигини назарда тутиб, хусусан, моддий маданий ёдгорликлар орасида кийим-кечакларда, яъни либосларда битилган ёзувлар ўзига хослиги ва этник белгилари билан ажralиб туришини ўрганиш тадқиқотталаб мавзудир.

Ўзбек ҳалқи моддий маданиятининг муҳим компоненти кийим-кечакларда миллат (элат) тарихига бориб тақаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, маърифий, диний ва эстетик шаклларнинг ўзига хос мазмунни ифодаланади. Жамият турмуши, иқтисодиёти ва сиёсатида ўзгаришлар бўлиб туриши билан бир вақтда кийим шакллари ҳам ўзгариб боради, унда ҳалқнинг моддий аҳволи, кишиларнинг диди, гўзаллик тўғрисидаги ғоялари, хўжалик юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда оиласи турмушнинг баъзи томонлари ҳам кўзга яққол ташланади[8: 5].

Ўз даврида Бухоро хунармандлари томонидан юксак дид ва санъат билан тикилган ва ҳозирги кунда музейларимиз кўргазма залларини безаб турган эркак ва аёллар кийимларига дикқат билан назар ташланса, улардаги ранг-баранг нафис нақшлар, гулли безаклар орасида жуда моҳирлик билан оддий ва зар илларда тикилган арабий, форсий ва туркий битикларни кўриш мумкин. Ҳозирги кунда Бухоро музей-кўриқхонаси фондларида сақланаётган бу хилдаги кийим-кечаклардаги эпиграфик ёзувлар, уларнинг мазмуни ҳақида томошабин сайдёхга маълумот беришини давр талаб этмоқда.

Кийим-кечаклар ва улар учун ишлатиладиган матолар мод-

The article deals with the ethnographic and epigraphic analysis of inscriptions on male and female costumes that are considered to be an important component of material culture.

В статье представлен этнографический и эпиграфический анализ надписей на мужской и женской одежде, которая считается важным компонентом материальной культуры.

дий ёдгорликлар орасида доимий истеъмолда бўлгани ва охиригача фойдаланилгани учун Бухоро музейи фондларида факат XIX-XX асрларга тегишлиси сақланган.

Турли мақсадларни кўзлаб кийим-кечакларда чуқур маъно ва мазмунни ифодаловчи фазилатли Қуръон оятлари, шеърий мисралар битилган. Мисол учун, эркакларнинг баъзи кийимларида диний ва эътиқодий мазмунга эга Қуръон сураларидан оятлар битилган. Бу хилдаги тўнларни тасаввуф йўлидаги шахслар кийишган ва улар табаррук кийимлар сифатида ҳозирга қадар авлоддан-авлодга етиб келган. Шулардан бири “Нақшбандия тариқати” музейида асосий фонд ҳисобида сақланаётган эркаклар тўннидир. Тўннинг чап кўкрак қисмидаги жадвал ичидаги Қуръони Каримнинг 112-“Ихлос” сураси битилган. Мазкур суранинг кўпгина ҳосиятлари мавжуд бўлиб, бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ўз ҳадисларининг бирида: “Ихлос сураси Қуръони Каримнинг учдан бирига тўғри келади”, деганлар. Чунки Қуръони Каримнинг асосан мақсади учтадир:

1. Аллоҳнинг тавҳиди-ягоналиги исботи ва ақидани тузатиш.
2. Ибрат, ислоҳ ва ўрнак олиш учун келтирилган қиссалар.
3. Шариат ҳукмлари.

Агар бирор қамоқда бўлса, минг марта бу сурани ўқиса, қамоқдан ҳалос бўлади. Агар ниҳоятда оғир мушкулликка дуч келинса, бир ўтиришда минг марта ўқилса, мушкули осон бўлади, иншоаллоҳу таоло[6: 133].

Ихлос сурасининг фазилатларидан янада шуки, “Ўйга кираптанида Ихлос сурасини ўқиган киши фақирлик кўрмайди”. Асхоби икромдан Суҳайл (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) бунга амал қилиб, бадавлат бўлганлар. Бу муборак суранинг бундан ташқари ҳам бир қанча фазилатлари бордир. Агар дунё ва охиратга оид орзуларимиз амалга ошишини истасак, ушбу сурани жуда кўп, намоздан кейин, ўтирганда, турганда, юрганда, ухлашдан аввал ва умуман тез-тез ўқиб туришимиз керак. Шунда бу дунёда охиратда бунинг мукофотини кўрамиз. Бунинг учун ниятимиз соғ, ишончимиз мустаҳкам, қалбимиз шубҳадан йироқ бўлиши керак[4: 174].

Тўндаги жадвалнинг пастки хоналарида “Ё Раҳмон” (барча яратган бандаларини, мўмину ғайри мўминларни едирувчи, ичирувчи, уларга марҳамат этувчи ўта меҳрибон зот), “Ё Раҳийм” (охиратда фақат мўминларга меҳрибонлик қилувчи чексиз

марҳаматли зот), “Ё Вахид” (Зоти, сифати, қилаётган ишларида ягона, шерити бўлмаган зот) [5: 320-330] каби Аллоҳнинг сифатлари ва қисқа дуолар ҳам мавжуд.

Тўннинг икки елкасидан пастки қисмларига қадар Қуръони Каримнинг йигирма оятдан иборат 73-Муззаммил сураси ёзилган. Муззаммил сурасининг фазилати ҳақида Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиласидар: “Ҳар ким “Муззаммил” сурасини ўқиса, Аллоҳ таоло ундан дунё ва охират қийинчилекларини кўтаратди. Минг марта ўқисла, мушкул ишлар осон бўлади. Агар ҳар ким бу суранинг ўқилишини мунтазам давом эттириб турса, Худойи таоло унинг ризқ-рўзини фаровон қиласи”[5: 169-170].

Тўннинг бўйин қисмидаги тик ёқадан пастга қараб (кўкрак қисмигача) Қуръони Каримдаги Бақара сурасининг 255-ояти “Оят ал-Курси” ёзилган. Оят ал-Курсини фазилати ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида шундай дедилар: “Кунларнинг мубораги жума кунидир, Каломнинг мубораги Қуръони Каримдир. Қуръони Каримнинг мубораги Бақара сурасидир, Бақара сурасининг мубораги Оят ал-Курсийдир”[5: 154-155]. Тўннинг ёқасидаги Оят ал-Курси битилган қисмининг давомидан, яъни кўкрак қисмидан пастга қараб, эзгутилаклардан иборат қўйидаги мисралар битилган:

Ҳазрато, бул давлатингиз Тангри афзун айласин,

Дўйстларингизни хурсанд, душманларингизни маҳзун айласин.

Иззат жавид ато айлаб эл ичра сарафroz,
Даҳр аро толеи кавокибини афзун айласин.

Мазмуни:

Эй ҳазратим, Сизнинг бу давлатингизни Парвардигор янада зиёда қилсан,

Дўйстларингизни хурсанду-шодмон, душманларингизни маҳзун яъни қайғули қилсан.

Эл ичра иззатингизни кўпайтириб, бошингизни кўкка етказсин,

Бу дунёда сизнинг толеингизни юлдузлардек баланд қилсан.

Тўннинг ўнг томон кўкрак қисмida Қуръони Каримнинг 39-Зумар сурасининг 53-ояти ёзилган. Зумар сурасининг фазилатлари ҳақида Ҳазрат Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиласидар: “Ҳар ким “Зумар” сурасини ўқиса, қиёмат куни Худойи таоло уни ноумид қилмайди ва унга Аллоҳдан кўрқувчилар савобини беради. Иззат-эътибор топиш учун етти марта ўқиласи, шунда ҳамма унинг яхши хусусиятларини айтадиган ва уни дўст тутадиган бўлади, иншоаллоҳу таоло. Зумар сурасидан пастки қисмida Пайғамбаримиз (с.а.в.), Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а.)лардек улуғ зотларни восита қилиб, Аллоҳдан ёрдам сўраш мазмунидаги дуолар битилган.

Тўннинг орқа томонида (елкадан белигача) Қуръони Каримнинг 67-Ёсин сурасининг биринчи мубини (1-12 оятлар) битилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида шундай дедилар: “Ҳар нарсани бир қалби бордир. Қуръони Каримнинг қалби Ёсинидир. “Ёсин” сураси Тавроти Шарифда “Муъимма” деб номланади. Бу эса шуни англатади: У, соҳибига яъни уни ўқиганларга дунё ва охиратда жуда кўп фойдалар келтиради, шунингдек бир қанча азиятлардан ҳам узоқ қиласи”. Агар ҳожатманд ҳар бир мусулмон бу сурани ўқиса, ҳожати раво бўлади ва қўрқоқ, ҳадиксирайдиган бўлса, жасорат, матонат пайдо қиласи. Агар оч бўлса Аллоҳнинг караму инояти билан (иншоаллоҳ) тўқ бўлади, чанқоғи босилади, касал бўлса шифо топади[6: 133]. Демак, Қуръоннинг қалби ҳисобланган Ёсин сурасининг жуда кўп хосиятлари бор экан, буни савобини айтиб беришнинг имкони йўқ.

ХХ асрга оид эркаклар тўни Бухоро давлат музей-қўриқхона хузуридаги Улуғбек мадрасасида жойлашган “Хаттотлик тарихи” музейида экспонат сифатида сақланмоқда[3: 77-80]. Мазкур тўн учун оқ бўз мато ишлатилган. Унда Қуръони Каримнинг “Фатҳ” (Фалаба) сураси зар ипларда тикилган. Ушбу

тўнни одатда уруш ва ғозотларга чиқишидан олдин ғалаба ёр бўлиши учун, барча ёмонликлар ва балолардан омонда бўлиш мақсадларида кийилган.

Ушбу кийимларда ояти карималарнинг битилишида ҳам албатта давринг ўзига хос мазмун ва мақсадлари акс этган. Бундан ташқари, тўнларда Қуръон оятларидан иборат эпиграфик битиклар инсонларни ҳамиша Аллоҳнинг зикрини ёдда тутиб, уларни яхшиликка буриб, ёмонликдан қайтариб, покиза ҳаёт кечириб, доимо кишиларга меҳр-муҳаббат улашишини даъват этган. Зоро, инсон яратганинг кудратиниангламас экан, у ҳеч қаҷон ўзлигини англай олмайди. Ўзлигиниангламаган кишидан эса хайрли ишларни кутиш мушкул.

Бугунги кунда Улуғбек мадрасасида жойлашган “Хаттотлик тарихи” музейидаги мазкур экспозицияда эркаклар тўнлари билан бир қаторда аёлларнинг эпиграфик ёзуви бежирим кўйлаклари ҳам намойишга қўйилган. Ингичка толали ипакдан тикилган кўйлакда анор гуллари серфарзандлик, қор парчалари шаклидаги нақшлар эса тўкин-сочинлик, яъни фаравонлик рамзи сифатида зар иплар билан тикилган. Унинг узунлиги 1,07 см, эни 83 см, қўл енгларининг кенглиги 33 смдан иборат. Ушбу кўйлакнинг енг қисмida қўйидаги битиклар зар иплар билан тикилган:

پیغمبر است افتاب چون علی در سایه

“Офтоби чун Али дар соиye Пайғамбар ast”.

Мазмуни: Али сингари қўёш ҳам Пайғамбар сояси(ости)дадир”, яъни аёл қанчалик хуро лиқо ва ақлда тенгсиз бўлса ҳам эрнинг соясида, яъни эрнинг итоатида бўлмоғи керак, сингари нафақат, истилоҳий маънолар тушунилган, балки оила мустаҳкамлигининг тарбиявий жиҳати ҳам талқин қилинади. Демак, ушбу мисрада хотин-қизлар учун ҳаётда муҳим бўлган ахлоқ нормалари ўз аксими топган. Бундан ташқари, ушбу битикнинг маъноси Қуръони Карим “Нисо” сураси 34-оятидаги “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир” мазмуни билан ҳамоҳангдир.

Эркак зотининг аёл кишидан баъзи хусусиятларда ортиқ қилиб яратилганингидаги бир неча ҳикматлар мавжуд. Тафсир китобларида шаръий нуқтаи назардан эркакларга хос хусусиятлар қайд этилган: Пайғамбарлик, халифалик, жисмоний кучкуват, оила нафақасига масъуллик, ақлу идрок ва тафаккурнинг зиёдалиги, жангларда қатнашиш, тўлиқ гувоҳлик бериш, талоқ бериш ҳуқуқига эга бўлиш, оила номини унига нисбат берилиши ва шу каби бошқа жиҳатларини ҳисобга олиб, аёл кишининг эрига нисбатан итоатли, ҳимояти ва иффати бўлиб оила тотувлиги йўлида доимий ҳаракатда бўлиши диёнат жиҳатидан талаб этилган[1: 84].

Турмуш ўртоғига итоатли аёллар шаънига икки қатор мақтovli сўзлар қўйидаги мисралар орқали аёллар кўйлагининг бош қисмидан пастга қараб ва пастдан юқорига қараб зар иплар билан битилган:

باسقاب قدت سورورا رفقار بایستى
سر زلف لبىت غنچه را گفقار بایستى

Боистиқболи қадат сарвро рафтор боястии,

сару зулфу лабат ғунчаро гуфтор боясти.

Мазмуни:

Қаддинг истиқболи (келиши-пешвоз чиқиши) сарвни юришга мажбур қилди, зулфинг ва лабинг қароғи (чети) ғунчани сўзлашга мажбур қилди.

Ушбу мисраларнинг биринчи сатрида эркак киши аёлининг ўз эрини кутиб олишга пешвоз чиққанида унинг қадди-қомати сарв даражатига қиёс қилинса, иккинчи сатрида эса аёлнинг зулфи-лабини кўрган ғунча ҳам тилга кириб, лол қолиши гўзал ташбеҳлар орқали баён этилади.

Аёллар ўз ўринларини билиб, эрга итоат қилишдек масъулиятли бурч ва вазифаларини аъло даражада бажарсалар, натижада



да эрларининг розилигини топиб, мақтовли сўзлар, олқишиларга сазовор бўладилар, энг муҳими оиласарида тинчлик-хотиржам хукм суради ва тотли ҳаёт кечиришга эришадилар, деган мазмун кўйлак енгидаги битилган ёзувда ифодаланган. Гўзаллик тимсоли – аёл шаънига мақтовли байтларнинг унинг либосига зар иплар билан битилиши инсон қалбини қувончга тўлдиради ва ўша давр кишиларининг диди, гўзалликка иштиёқи ва эътибори юксаклигидан ҳам гувоҳлик беради.

Ўз даврида анча қиммат турадиган бежири, хушбичим

кўйлакларни оддий, ўртаҳол хонадон эркаги аёлига олиб бериш имкониятига эга бўлмаган. Демак, фақат амалдор, ўзига тўқ хонадон эркакларигина аёлига бундай кўйлакларни хунармандларга маҳсус буюртма асосида тикириб ҳада этган.

Халқимизнинг эпиграфик ёзувлардаги битмас-туғанмас бойлиги ва хилма-хиллигини ўрганиши масаласи турли мутахассислар – тарихчи, археолог, этнолог, тиљшунос, санъатшunosлардан доимий биргалашиб куч сарфлашни талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири –Т.: Тошкент ислом университети. 2007.
2. Белинская Н.А. Эпиграфический орнамент в декоративно-прикладном искусстве таджиков XIX – начало XX в. (текстиль). // Памяти Александра Александровича Семенова. Сборник статей по истории, археологии, этнографии и искусству Средней Азии. –Душанбе.: Дониш.1980.
3. Қадимий Бухоронинг музейлари. –Т.: Бухоро. 2015.
4. Муқаддас ойлар ва мустажоб дуолар. –Т.: Минҳож. 2003.
5. Муқаддас ойлар ва мустажоб дуолар. –Т.: Мовароуннахр. 2005.
6. Нормуҳаммад Мирзо. Қуръони карим оятларининг фазилатлари. –Т.: Тошкент ислом университети. 2011.
7. Семенов А.А. Некоторые материалы по персидско-таджикской эпиграфике бытового характера XVI-XX вв. //Памяти Александра Александровича Семенова. Сборник статей по истории, археологии,этнографии и искусству Средней Азии. –Душанбе.: Дониш.1980.
8. Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари XIX-XX асрлар. –Т.: Шарқ. 2003.

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ЭТНИК АФГОНЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР (XIX аср охири ва XX аср бошлари)

Ўткир МАТТИЕВ
Самарқанд ветеренария медицинаси
институти қошидаги академик лицейи
тарих фани ўқитувчиси

XIX аср охири ва XX аср бошларида афғон миллати вакиллари нафақат Афғонистон ҳудудида, шу билан бирга, Фарғона водийсида ҳам истиқомат қилишган. Шу сабабдан, мазкур даврда Фарғона водийсида яшаган афғон этник қатлами тарихини ёритиши долзарб масалалардан бирийдир. Мазкур мақолада Фарғона водийси этник афғонлари тарихи ёритилган.

Таянч сўзлар: Фарғона водийси, Кўқон хонлиги, этник таркиб, ҳарбий ислоҳот, Аскария, “этник озчилик”, воситачилик.

XVIII асрда Бухоро амирлигига юз бераётган сиёсий жараёнлар ҳамда жунғор қабилаларининг Фарғона водийсига қилаётган талончилик ҳужумлари Водий ҳудудида алоҳида ва мустақил давлат тузиш ҳаракатини келтириб чиқарди. Шундай вазиятда Чодак мавзеий хожалари ва Минг уруғи етакчиси Шоҳруҳбий ҳокимиятни ўз қўлига олиб мустақил Кўқон хонлиги тузилганлигини эълон қилди. Лекин давлат амалда мустақиллигини эълон қилгани билан расмий жиҳатдан ўз мустақиллигини 1805 йилда Олимхон даврида мунтазам қўшинга эга бўлиши натижасида амалга оширилди. Шу тариқа кўплаб этник таркибга эга бўлган Кўқон хонлиги ташкил топди. Мазкур давлат ҳудуд ва аҳоли нуфуси жиҳатидан Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан устун турган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон хонлиги шарқда Шарқий Туркистон, фарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош бўлиб, жанубда Қоратегин, Кўлоб, Дарваз, Шуғонон каби тоғли ҳудудларни ўз ичига олган. Россия ва Кўқон хонлиги ўртасида Мирзачўл ва Муёнқул чўллари ястаниб ётган[3: 59-60].

Бу даврда Фарғона водийси кўплаб уруғ ва этник бирликлардан ташкил топган эди. Бунга сабаб сифатида Буюк ипак йўлида олиб борилган савдо алоқалари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва давлатнинг ҳарбий-сиёсий эҳтиёжи деб кўрсатишимиш мумкин. Фарғона водийси этник таркиби масаласи билан «Россия география жамияти» ва бошқа жамиятлар билан бир қаторда А.П. Федченко, Н.А. Северцев, И.В. Мушкетов, Н.А. Аристов, А.В. Буняковский, А.Д. Гребинкина, А.З. Вали-

At the end of the 19th and early 20th centuries, representatives of Afghan nationality lived not only in Afghanistan, but also in the Fergana valley. For this reason, illumination of the history of the Afghan ethnic layer where were lived in the Ferghana Valley in this period is one of the pressing issues. In this article is given the history of the ethnic Afghans in the Ferghana Valley.

В конце XIX и начале XX веков представители афганской национальности жили не только в Афганистане, но и в Ферганской долине. По этой причине освещение истории афганского этнического слоя, в котором в этот период жили в Ферганской долине, является одной из актуальных проблем. Эта статья посвящена истории этнических афганцев в Ферганской долине.

дий, П.Е. Кузнецов, А.Л. Кун, А.А. Кушакиевич, Н.С. Ликошин, А.И. Макшеев, В.П. Наливкин, В.А. Парфентьев, Н.Резник, Н.Ф. Ситняковский, А.П. Хорошхин [1: 10] каби олимлар турли хил изланишлар олиб борганлар ва уларнинг маълумотлари XIX аср охири ва XX аср бошларидағи Фарғона водийсининг этник таркиби тархи бўйича қимматли маълумотлар саналади. Қозоқ олими Бейсимиев Т.К. «Тархи Шоҳруҳий асари тарихий манба сифатида» [4] номли асарида Фарғона водийсини ўз ичига олган Кўқон хонлиги этник қатламлари орасида афғон этник қатламини тилга олиб ўтади. Унинг маълумотлари юқорида келтириб ўтган фикримиз, яъни афғонларнинг Кўқон хонлигига келишига мисол таркиасида айтилган ҳарбий-сиёсий эҳтиёж деган фикримизга мисол бўлади. XIX аср бошларида Кўқон хонлигига ўтказилган ҳарбий ислоҳот ва унинг натижасида жорий этилган янги турдаги қўшинда (Аскария) Афғон этник қатлами ҳам хизмат қилиши, уларга бугунги кунда лейтенант унвонига тўғри келувчи «Джамадар Афған» ёки «Джамадар Кобулий» деган тушунчани ишлатади. Лекин олим афғонларни айнан Афғонистон ҳудудидан эмас, балки, Ҳиндистон афғонларидан бўлиб, сипохийлар сафида хизмат қилган, ҳарбий соҳадан хабардор бўлганлиги учун ҳам Кўқон хонлиги армияси сафига таклиф этилган деган фикрни илгари суради [4: 81].

XIX аср охирида собиқ Кўқон хонлиги ҳудудидаги камсонли элатлар қаторида афғон ҳалқлари ёки афғон миллатига мансуб уруғлар яна тилга олина бошланади. 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида афғон миллатига мансуб